



ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ

Душабоев Миржалол Бахтиёр ўғли

ТДИУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7940120>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2023 yil

Ma'qullandi: 13-May 2023 yil

Nashr qilindi: 16-May 2023 yil

KEY WORDS

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.М.Мирзиёев
кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликни
иқтисодиётда
ривожлантиришнинг
аҳамияти юқорилигини Олий
мажлисга маърузасида

ABSTRACT

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда ривожлантиришнинг аҳамияти юқорилигини Олий мажлисга маърузасида “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”¹ деб таъкидлаб ўтди.


Кейинги 3-4 йилда тадбиркорлик субъектлари учун кредитлар ва субсидия олиш, лицензия, қўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кўплаб янги имкониятлар ва шароитлар яратилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча текшириш, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд кўплаб чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксарияти олиб ташланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 й.

Шуниси эътиборга лойиққи, аҳоли ва давлат ўртасида, давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда тадбиркорларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бормоқда. Натижада ички ва ташқи бозорларда ўз мустаҳкам ўрнига, нуфузига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошлади.

Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузасида “... тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. 2000-2021 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоиздан 54,9 фоизга ўсиб, 25,9 фоиз бирликка ортган (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши фоизда)

2021 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 54,9 % ни ташкил этди.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.”², дея алоҳида таъкидлаб ўтган.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш

² <https://president.uz/uz/lists/view/4057> - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 й.

ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида” ПФ-101-сон Фармонида қуйидагилар иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг ролини ошириш, барча тармоқ ва соҳаларда хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Булар:

биринчидан, хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш борасидаги институционал ва маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ҳамда бу борада қонун устуворлигини таъминлаш;

иккинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини шаффоф тарзда хусусийлаштириш механизмларидан, энг аввало, хусусий инвесторларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида фойдаланиш ҳамда ерларни аукционга чиқаришда уларнинг жозибadorлигини ошириш учун инфратузилма ва бошқа зарурий шароитларни яратиш бериш;

учинчидан, давлат иштироқи сақланиб қолаётган товар ва хизматлар бозорини эркинлаштириш ҳамда ушбу соҳаларга хусусий секторнинг кириб келиши учун шароит яратиш, монополияга қарши органнинг институционал салоҳияти ва ваколатини кучайтириш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

тўртинчидан, «тартибга солувчи гильотина» усулини манзилли қўллаш орқали имтиёзлар, эксклюзив ҳуқуқ ва устунликларни бекор қилиш;

бешинчидан, давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришни жадаллаштириш, иқтисодиётда самарасиз ишлаётган корхоналар улушини камайтириш ҳисобига сифат жиҳатидан янги, хусусан, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестициялар ва ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган технологияларнинг кўпайишини рағбатлантириш;

олтинчидан, пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш ҳисобига молия бозоридаги турли сегментларнинг ривожланишига тўртки бериш, шу орқали хусусийлаштирилган ва трансформация жараёнидаги корхоналарга ўз фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини шакллантиришга шароит яратиш;

еттинчидан, иқтисодиётнинг драйвер тармоқлари, хусусан, тоғ-қон, нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни кафолатланган хом ашё базаси билан таъминлаш учун геология-қидирув ишларига, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни жадаллаштириш, минерал хом ашё базаси захираларини кўпайтиришни қўллаб-қувватлаш;

саккизинчидан, энергия ресурслари, транспорт ва коммуникация бозорларини ривожлантириш ва соҳага хусусий инвестициялар кириб келиши учун шароитлар яратиш;

тўққизинчидан, ичимлик ва оқова сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш, йўл қурилиши, авиация инфратузилмаси соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кескин кўпайтириш;

ўнинчидан, барча соҳа ва тармоқларда коррупция ҳолатларининг ҳар қандай

кўринишига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш;

ўн биринчидан, давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари, шу жумладан «комплаенс» назорат тизимини кенг жорий этиш, харидлар тизими шаффофлигини таъминлаш орқали коррупциянинг олдини олиш.

Мазкур фармонда Тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш, шунингдек, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни тақдим этишни тартибга солиш мақсадида:

а) 2022 йил 1 майдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларига тенг шароитларни яратиш учун чекланган субъектларга татбиқ этилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари 2-иловага мувофиқ тармоқлардаги барча субъектлар учун татбиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган ва Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан олинadиган товарлар (хизматлар) бўйича солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинсин. Мазкур норма тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида янги тузиладиган битимлар (расмийлаштириш шакли ва усулидан қатъий назар) асосида олинadиган товарларга (хизматларга) татбиқ этиш;

б) айрим солиқлар ва божхона имтиёзлари 3-иловага мувофиқ босқичма-босқич бекор қилиш;

в) Вазирлар Маҳкамаси хатлов натижасига кўра аниқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан тақдим этилган айрим солиқлар ва божхона имтиёзларининг амал қилишини давом эттириш заруриятини танқидий қайта кўриб чиқиб, 2022 йил 1 августга қадар уларни бекор қилиш юзасидан таклиф киритиш;

г) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

божхона божлари бўйича имтиёзлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан берилсин. Бунда, Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши ҳулосаси олиниши мажбурий ҳисобланиши;

тармоқ вазирлик ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари соҳани ва (ёки) ҳудудни ривожлантириш учун берилган алоҳида солиқ ва божхона имтиёзлари самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни йил якунлари бўйича ҳар йили 1 мартга қадар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб бориш белгилаб берилган.